

## Ҳайвонлар жамоаларининг мавжудлиги

05:00 / 09.03.2017 4311

"Ердаги бирор жонивор ва бирор икки қаноти билан учадиган парранда йўқки (улар ҳам) сизлар каби умматлар бўлмасалар..." (Анъом сураси, 38)

Илмий тадқиқотлар натижасида бутун ҳайвонлар ва қушларнинг алоҳида жамоа бўлиб яшашлари аниқланган. Ҳайвонлар орасида ҳам муайян ижтимоий тузум мавжуд экан.

Асал арилар гуруҳ ҳолида дарахт ковакларида ёки шунга ўхшаш маконларда ўзларига ин қурадилар. Битта ари гуруҳи битта она малика, бир неча юз эркак ва 10-80 минг ишчилардан ташкил топади. Ари гуруҳларидаги она маликанинг асосий вазифаси тухум қўйишдир. Бундан ташқари оила бутунлиги ва уядаги интизомли иш учун муҳим моддалар ташлайди. Эркакларнинг асосий вазифалари эса қироличани уруғлантиради. Уяда петек (ари уясидаги асал қўйиш учун қилинган уялар), озуқа тўплаш, ари сути ишлаб чиқариш, уянинг иқлимни тузатиш, тозалик, ҳимоя ва шунга ўхшаш барча вазифаларни эса ишчи арилар бажарадилар. Ари уясидаги ҳар қаватда бир тузум мавжуд. Умуман уянинг асосий эҳтиёжлари, ҳар бир вазифа камчиликсиз ўрнига келтирилади.

Чумолилар ҳам ҳашорат дунёсида энг кўп сонли жамоа саналади. Уларнинг жамоа бўлиб ишлаш, аскарый стратегия, ривожланган алоқа воситалари, қатъият, қусурсиз «шаҳар» қуриш масалаларида инсонларга ўрناк бўладиган тузумлари мавжуд. Чумолилар озуқаларини топиб ғамлайди, болаларини парваришлайди, жамоаларини қўриқлайдилар ва урушадилар. Ҳатто "чеварлик", "деҳқончилик" билан шуғулланиб, "ҳайвон етиштирган" жамоалар ҳам мавжуд. Ораларида жуда кучли алоқа воситаси бўлган бу жонзотлар жамоавий бирлашув ва ихтисослашув томонидан олиб қаралганда ҳеч бир ҳайвон тури билан қиёслаб бўлмайдиган даражада устундир.

Жамоа бўлиб яшаган ҳайвонлар тахликаларга биргаликда қаршилиқ кўрсатадилар. Масалан, кичкина қушлар бургут ёки бойқуш сингари йиртқич қушлар худудларига кирганида ҳаммалари бир бўлиб бу ҳайвонларнинг атрофини ўраб оладилар. Бу орада атрофдаги бошқа қушларни ҳам ёнларига чақиритиш учун махсус овоз чиқарадилар. Кичкина қушларнинг жамоавий бу ҳаракатлари йиртқич қушларни худудларидан узоқлашишига сабаб бўлади.

Биргаликда учадиган қуш галалари ҳам айна шаклда галанинг барча аъзолари учун қосбонлик қилади. Масалан, гала ҳолида учадиган сиғиржик (чумчуқдан каттароқ қуш) лар ораларида маълум масофа ташлаб учадилар. Фақат бирор йиртқич қушни, масалан, бургутни кўрганларида ораларидаги очик жойларни дарров тўлдирадилар. Шундай қилиб бургутнинг гала ичига кириб олиш олди олинади, бургут ичкарига кирган тақдирда ҳам жуда қийналади ёки қанотлари лат ёйди.

Сут эмизувчи ҳайвонлар ҳам таҳлика пайти жамоа бўлиб ҳаракат қиладилар. Масалан, зебралар душманларидан қочаётганларида болаларини галанинг ўртасига олади. Делфинлар ҳам гуруҳ ҳолида кезадилар ва энг катта душманлари ҳисобланган акулага қарши жамоа бўлиб қаршилиқ кўрсатадилар.

Ҳайвонларнинг ижтимоий ҳаётларига сон-саноксиз мисоллар бор. Буларнинг барчаси Қуръони Каримдаги Аллоҳнинг сўзини тасдиқлайди.